

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ректори

Ш.А. Ёвқочев



2019 йил «6» июль

«ИСЛОМ ЗИЁСИ» – «THE LIGHT OF ISLAM» – «ЗИЯ УЛ ИСЛАМ».

ЖУРНАЛИ ТАХРИРИЯТИНИНГ

НИЗОМИ

ТОШКЕНТ – 2019

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу Низом «Ислом зиёси» – «The light of Islam» – «Зия ул ислам» журнали таҳририяти (бундан буён матнда таҳририят деб юритилади) ташкил этилиши ва фаолиятини белгилайди.

Таҳририят ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширади.

ОАВнинг номи: «Ислом зиёси» – «The light of Islam» – «Зия ул ислам».

ОАВнинг тури: журнал.

ОАВнинг тили: Ўзбек, рус ва инглиз тилларида.

Юридик шахснинг номи: Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

Таҳририятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли: Таҳририят алоҳида юридик шахс ҳисобланмайди. У Ўзбекистон халқаро ислом академияси таркибида фаолият юритади.

Муассис: Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

Ихтисослашуви: илмий, диний – маърифий.

Тарқатилиш ҳудуди: Ўзбекистон Республикаси, барча хорижий давлатлар.

Даврийлиги: бир йилда тўртта сондан ўн иккита сонгача.

Ҳажми: 60×84 1/8 форматда, 100 бетдан 150 бетгача.

Адади: 300 тадан 1000 тагача, Обунага кўра ўзгариши мумкин.

Молиялаштириш манбалари:

- муассис томонидан ажратиладиган мол-мулк ва пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан ажратиладиган ҳомийлик ва хайрия маблағлари;
- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар.

Таҳририят жойлашган жой (почта манзили): 100011, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

II. ТАҲРИРИЯТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Таҳририятнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардир:

Таҳририят оммавий ахборот воситаси бўлган «Ислом зиёси» – «The light of Islam» – «Зия ул ислам» журналининг оригинал макетини тайёрлаш ва нашр этиш.

2.2. Таҳририятнинг асосий фаолият йуналишлари қуйидагилардан иборат:

- журналда фундаментал тадқиқотларга асосланган илмий, диний – маърифий, маънавий-маърифий, илмий оммабоп мавзуларни ёритиш;
- исломшунослик соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар билан жамоатчиликни яқиндан таништириш;

- муштарийларнинг диний саводхонлигини, маънавий – ахлоқий савиясини юксалтириш.

III. МУАССИСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Журналнинг рўйхатда қайд этилган номидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш.

3.2. Таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантиришда таъсис шартномаси, таҳририят устави (низоми) ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиш.

3.3. Фойдани тақсимлашда ва зарарларнинг ўрнини қоплашда иштирок этиш.

3.4. Энг катта ҳажми ва чиқариладиган муддати таҳририят Низомига ёки муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномага мувофиқ белгиланадиган, реклама тусида бўлмаган хабар ёки материалларни ўз номидан журналда бепул жойлаштириш.

3.5. Таҳририятнинг фаолияти тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш.

3.6. Мақолалар тайёрланиши, материаллар тўпланиши ва бошқа ташкилий масалаларда журнал таҳририяти фаолиятига, моддий-техник базаси ва ходимларнинг иш шароити яхшиланишига кўмаклашиш.

3.7. Журнал чиқишини тўхтатиш ёки тугатиш.

3.8. Журнал таҳририятининг фаолияти ҳақида ҳисобот талаб қилиш.

3.9. Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

IV. МУАССИСНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Таҳририятни ташкил этади.

4.2. Таҳририят уставини (низомини) тасдиқлайди.

4.3. Муассиснинг устав фонди ўзгарганлиги ҳақида, агар устав фондида чет эл инвестициялари улуши «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун 8-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган чегарадан ортиб кетган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ваколатли давлат органини хабардор этиши шарт.

4.4. Муассис «Ислом зиёси» – «The light of Islam» – «Зия ул ислам» журнали таҳририятини ташкил этади, таҳририятни зарурий хоналар, компьютер ва оргтехника, журнал фаолиятида зарур бўладиган илғор ахборот технологиялари (видео ва фото камера, диктофон, планшет, алоқа воситалари ва ҳоказолар), мебел ва автотранспорт воситалари билан таъминлайди.

4.5. «Ислом зиёси» – «The light of Islam» – «Зия ул ислам» журнали чиқарилишини ва обунасини таъминлайди.

4.6. «Ислом зиёси» – «The light of Islam» – «Зия ул ислам» журналининг таҳририяти билан шартнома тузади.

4.7. Журнал таҳририяти фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди.

4.8. «Ислом зиёси» – «The light of Islam» – «Зия ул ислам» журналини рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказди.

4.9. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди.

4.10. Журнал таҳририятига берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини назорат қилади.

4.11. «Ислом зиёси» – «The light of Islam» – «Зия ул ислам» журналининг ижодий фаолиятдаги мустақиллигини таъминлайди.

4.12. Муассис журнал ададини кўпайтириш, обуна ишларини ташкил этиш, муштарийлар сонини кўпайтириш йўлидаги тарғибот-ташвиқот, ташкилий ва амалий ишларни йил мобайнида, танафуссиз олиб боради.

4.13. Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

V. ТАҲРИРИЯТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Ахборотни излаш, олиш, таҳрир ва таҳлил қилиш, имло хатоларини тўғрилаш ва тарқатиш.

5.2. Давлат сири ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сирларни истисно этган ҳужжатлар, материаллар ва ахборотлардан фойдаланиш.

5.3. Маълумотларни белгиланган тартибда, жумладан зарур техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш.

5.4. Оммавий тадбирларга ижодий гуруҳ (мухбир, фотограф ёки тасвирчи)ни юбориш ва мавзунини ёритиш.

5.5. Тайёр материаллардаги ахборотнинг ҳолис ва ишончлилиги юзасидан мутасадди корхона ва мутахассисларга мурожаат қилиш.

5.6. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

5.7. Таҳририят қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

VI. ТАҲРИРИЯТНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Низом ва қонун ҳужжатларига риоя этиш.

6.2. Журнал таҳририятининг фаолияти ҳақида муассисга ҳисобот бериб бориш.

6.3. Мақолалар тайёрланиши ва чиқарилшининг даврийлигини таъминлаш.

6.4. Журналда берилаётган материалларнинг ҳолис ва ишончлилигини таъминлаш.

6.5. Шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.

6.6. Ходимларга меъёردаги меҳнат шароити ва ижодий имкониятлар яратиб бериш.

6.7. Ходимларнинг касб-маҳоратини ошириш борасида муассисга таклифлар киритиш, ходимларнинг меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

6.8. Ходимларнинг иш даврида ва ишдан ташқарида дам олишини ташкиллаштириш.

6.9. Тайёрланган мақолаларнинг долзарб, таъсирчан, тарбиявий, мазмунли, ўқувчиларга руҳий-маънавий озуқа берадиган, бадий савияси жиҳатидан талабга жавоб берадиган бўлишини таъминлаш.

6.10. Мавжуд конституциявий тузумни, ҳудудий яхлитликни зўрлик билан ўзгартиришга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотларни, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни, спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини тарғиб қилмаслик.

6.11. Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни акс эттирувчи инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи ахборотларни тарқатмаслик.

6.12. Фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирламаслик, обрўсига путур етказмаслик, шахсий ҳаётига аралашмаслик.

6.13. Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов ёки суриштирув материалларини, муайян ишнинг натижаларини эълон қилмаслик, шунингдек, суднинг қарори чиқмасдан туриб, бошқа йўл билан судга таъсир ўтказмаслик.

6.14. Таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

VII. ТАҲРИРИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА ҚАЛАМ ҲАҚИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Таҳририятни молиялаштириш манбалари муассис томонидан ажратилган маблағлар, журнал обунаси, сотуви, реклама хизматларидан, ҳомийлардан тушадиган маблағлар, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар грантлари ҳамда қонун билан таъқиқланмаган бошқа тушум маблағларидан иборат бўлиши мумкин.

7.2. Журналда ўз асарлари (публицистик ва бошқа жанрдаги асарлар, фото ва бошқа турдаги суратлар, ноталар, таржималар ва ҳоказо) билан иштирок этган муаллифлар, таржимонлар, рассом ва фоторассомлар, муҳаррирлар, дизайнерлар ва бошқа тоифадаги ижодий ходимларга ойлик маошдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201 сонли Қарорига мувофиқ қалам ҳақи тўланади.

VIII. ТАҲРИРИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

8.1. Таҳририят муассис Қарори билан тайинланадиган Бош муҳаррир орқали бошқарилади.

8.2. Бош муҳаррир Таҳририятнинг барча фаолиятига раҳбарлик қилади.

8.3. Бош муҳаррир:

- тахририятга раҳбарлик қилиб, унинг низом вазифаларини бажаришини ташкил этади, шартномалардаги тахририятга тегишли мажбуриятлар бажарилиши, ҳуқуқлар амалга оширилишини таъминлайди;

- тахририятнинг ижодий фаолиятини мустақил ташкил этади ва амалга оширади;

- тахририят ходимларига мақолалар тайёрланадиган йўналишлар, мавзу ва вазифаларни белгилаб беради, тайёрланган мақолаларнинг чиқарилишига рухсат беради ёки чиқарилишини тўхтатади ёхуд таъқиқлайди.

8.4. Тахририят жамоаси Бош муҳаррир, унинг ўринбосарлари, масъул котиб ва тахририятнинг бошқа ходимларидан иборат бўлиб, касб фаолиятида мустақилдир. Тахририят штатида турган, материалларни тўплаш, таҳлил ҳамда таҳрир қилиш ёки нашрга тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс - тахририят ходимидир.

8.5. Бош муҳаррир ва тахририятнинг ходимлари муассис томонидан ишга қабул қилинади ва ишдан бўшатилади. Меҳнат муносабатларини белгиловчи бошқа ҳужжатлар ҳам муассис томонидан иш берувчининг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида қабул қилинади.

8.6. Тахририят ходимларининг штат жадвали ва уларнинг иш ҳақи миқдорларини белгиловчи ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ муассис томонидан тасдиқланади.

IX. ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Молиявий йил якуни бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга солиқ ва мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойда «Тахририят»нинг соф фойдасини ташкил этади.

9.2. Соф фойда бош муҳаррир тақдимномасига кўра муассис қарори асосида тақсимланади.

9.3. Соф фойданинг «Тахририят»га тегишли қисми тахририятнинг айланма маблағи сифатида моддий-техник базани ривожлантиришга, ишлаб чиқариш имкониятини яхшилашга, тахририят ходимларини моддий рағбатлантиришга, ходимларнинг ойлик иш ҳақини устама ҳисобига оширишга, ходимларнинг хорижий тилларни ёки касбий фаолияти учун зарур бошқа билимларни ўрганишга, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа хорижий давлатларга хизмат сафарлари уюштиришларига, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа хорижий давлатларда маданий ва мақсадли ҳордиқ чиқаришларига, даволанишларига, уларни уй-жой, автотранспорт, маиший техника ва мебел, ҳаётий зарур бўлган бошқа керакли воситалар билан имтиёзли таъминлашга мақсадли йўналтирилади.

9.4. Фаолиятдан кўрилган зарарлар «Тахририят» маблағлари, бунинг имкони бўлмаганда, бошқа мол-мулклари ҳисобидан қопланади. «Тахририят» мол-мулки зарарларни қоплашга етмаганда, муассис томонидан қопланади.

9.5. «Тахририят»га ходимларнинг айби билан етказилган зарар, зарар етказган ходим ҳисобидан қопланади.

9.6. «Тахририят» ходимларига иш берувчининг айби билан етказилган зарарлар иш берувчи ҳисобидан тўлиқ қопланади.

9.7. Зарарларни қоплаш билан боғлиқ бошқа низоли ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибларда ҳал этилади.

Х. ЖУРНАЛ ЧИҚАРИЛИШИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ЁКИ ТУГАТИШ АСОСЛАРИ

10.1. Журналнинг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг аризаси асосида суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

10.2. Муассис журналнинг чиқарилишини тахририят Низомида назарда тутилган тартибда тўхтатиб туриш ёки тугатишга ҳақлидир.

10.3. Муассис журналнинг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ўз қарори ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни уч кун ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор этиши шарт.

Бундан ташқари, истеъмолчилар ҳуқуқини инобатга олган ҳолда журналнинг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш борасидаги хабар журналнинг сўнгги сонларидан бирида эълон сифатида жойлаштирилиши лозим.

10.4. Ваколатли орган томонидан тахририятга берилган огоҳлантиришдан сўнг, бир ой ичида такрорий қонун бузилиш ҳолатига йўл қўйилганда ёхуд камчиликлар бартараф этилмаганда журналнинг чиқарилиши ваколатли орган талабига кўра суд қарори асосида тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

10.5. Журнал фаолиятини тиклаш ваколатли орган аниқлаган қонун бузилишлари бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар муассис ёки тахририят томонидан судга тақдим этилганидан кейин суд қарорига асосан амалга оширилади.

10.6. Журналнинг чиқарилишини тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқариш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари тахририят томонидан мунтазам равишда бузиб келинганлиги, бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан муассис ва (ёки) тахририят номига илгари ёзма огоҳлантиришлар юборилганлиги;

суднинг журнални чиқаришни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори бажарилмаганлиги;

журналнинг олти ойдан зиёд вақт мобайнида чиқарилмаганлиги;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар.

10.7. Журналнинг чиқарилишини тугатиш унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилишига сабаб бўлади.

10.8. Журналнинг чиқарилишини тугатиш тўғрисида муассис томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, тахририят муассиснинг рухсати билан худди шундай номдаги оммавий ахборот воситасини белгиланган

тартибда таъсис этишга ҳақлидир. Бундай ҳолда оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш талаб қилинади.

XI. ТАҲРИРИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

11.1. Таҳририят қонунчиликда белгиланган асос ва тартибларда қайта ташкил этилиши мумкин.

11.2. Таҳририятни қайта ташкил этишга:

- муассиснинг ёхуд суднинг қарорлари қабул қилиниши;
- оммавий ахборот воситасининг тури ўзгартирилиши;
- таҳририятнинг қўшиб юборилиши, қўшиб олиши ёхуд мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, фирма номи, фаолият йўналиши ва ихтисослашуви ўзгариши сабаб бўлади.

11.3. Қайта ташкил этилганда таҳририятнинг таъсис ҳужжати янгидан тасдиқланиб, қайта рўйхатдан ўтишга тақдим этилади.

11.4. Таҳририят муассис ёки суд қарори асосида тугатилиши мумкин.

11.5. Муассиснинг тугатилиши бир вақтнинг ўзида таҳририятнинг тугатилишига асос бўлади.

11.6. Таҳририят қайта ташкил этилган ёки тугатилганда унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бекор бўлади.

11.7. Таҳририят тугатилганда Таҳририят жамоаси муассиснинг розилиги билан журнални аввалги номида қайта таъсис этиш ҳуқуқига эга.


XII. НИЗОМНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

12.1. Таҳририятнинг Низомини қабул қилиш ва унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш муассиснинг қарорига асосан амалга оширилади.

12.2. Муассис Таҳририят Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан кейин бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига қайта рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилиши шарт.

«Ислом зиёси» – «The light of Islam»
– «Зия ул ислам» журнали таҳририяти

Бош муҳаррир



Ш.А. Ёвқочев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
HUZURIDAGI AXBOROT VA OMMAVIY KOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI

OMMAVIY AXBOROT VOSITASI
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

№ 1031

Nomi “Islom ziyosi”-“The light of Islam” –“Зия ул ислам”

Tarqatish shakli jurnal

(gazeta, jurnal va boshqalar)

Til(lar)i o'zbek, rus, ingliz

Muassis(lar)i O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

Ixtisoslashuvi ilmiy, diniy-ma'rifiy

Tahririyat manzili 100011, Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, A.Qodiriy ko'chasi, 11-uy.

Tarqatish hududi _____

Berilgan sanasi 15.07.2019 yil

Ro'yxatdan o'tkazuvchi
organ rahbari



Direktor v.b.
K.I.LALLAMJONOV

Ushbu guvohnoma «Ommaviy axborot vositalari to'grisida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga muvofiq berilgan.

O'zbekiston Respublikasining ommaviy axborot vositalari to'g'risidagi qonun hujjatlarini buzish O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlariga muvofiq jinoiy, ma'muriy, intizomiy va boshqa javobgarlikka sabab bo'ladi.